

**XALQARO HARBIY-ILMIY KONFERENSIYA**  
**МЕЖДУНАРОДНАЯ ВОЕННО-НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**  
**INTERNATIONAL MILITARY SCIENTIFIC CONFERENCE**



# **XALQARO HARBIY-ILMIY KONFERENSIYA MATERIALLAR TO'PLAMI**

**HARBIY SOTSILOGIYANING HARBIY  
XIZMATCHILARDA VATANPARVARLIK HISSINI  
OSHIRISHDAGI ROLI VA AHAMIYATI**

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ВОЕННОЙ СОЦИОЛОГИИ В  
ПОВЫШЕНИИ ЧУВСТВА ПАТРИОТИЗМА У  
ВОЕННОСЛУЖАЩИХ**

**THE ROLE AND IMPORTANCE OF MILITARY  
SOCIOLOGY IN INCREASING THE SENSE OF  
PATRIOTISM IN MILITARY PERSONNEL**

**Toshkent sh. 2022 yil 22 dekabr**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI HARBIY  
MEROS VA ZAMONAVIY TADQIQOTLAR INSTITUTI

SOTSIOLOGIK VA PSIXOLOGIK TADQIQOTLAR MARKAZI

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT  
TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NURAFSHON FILIALI

**HARBIY SOTSILOGIYANING HARBIY XIZMATCHILARDA  
VATANPARVARLIK HISSINI OSHIRISHDAGI ROLI VA  
AHAMIYATI**

*Xalqaro harbiy-ilmiy konferensiya materiallari  
2022 yil, 22 dekabr*

Toshkent – 2022

UO‘K 355:316(063)

KBK 68.4+60.5я43

H 24

Harbiy sotsiologiyaning harbiy xizmatchilarda vatanparvarlik hissini oshirishdagi roli va ahamiyati: xalqaro harbiy-ilmiy konferensiya materiallari to‘plami, 2022 yil 22 dekabr. / [general-leytenant Sh.T. Normatovning umumiy tahrir ostida]. – T.: O‘R QK Harbiy meros va zamonaviy tadqiqotlar instituti, 2022. – 290 b.

Qurolli Kuchlar tizimida harbiy sotsiologik harakatlarni amalga oshirishning nazariy metodologik, amaliy-empirik, strukturaviy-funksional va institutsional jihatlariga e‘tibor qaratgan holda harbiy vatanparvarlikni takomillashtirishga oid bo‘lgan g‘oya va yondashuvlarni amalga tatbiq etish bo‘yicha aniq rejalar, ko‘rsatmalar, yo‘riqnomalar ishlab chiqish harbiy-ilmiy konferensiyaning asosiy maqsadi hisoblanadi.

Konferensiya materiallarida Qurolli kuchlarni isloh qilish borasida amalga oshirilgan chora-tadbirlarning mazmun-mohiyati, harbiy sotsiologiya fanining shakllanishi va rivojlanishi, harbiy sotsiolog kadrlarni tayyorlashning zamonaviy usul va vositalari, harbiy ta‘lim-tarbiya muassasalarini modernizatsiyalash orqali harbiy vatanparvalik tarbiyasini takomillashtirishga oid harbiy-ilmiy-sotsiologik xulosa, taklif va tavsiyalar o‘z ifodasini topgan.

**Mas’ul muharrir:** B.X.Daniyarov - filologiya fanlari doktori, TATU Nurafshon filiali Gumanitar fanlar kafedrasida professori

UO‘K 355:316(063)

KBK 68.4+60.5я43

#### **Tahrir hay’ati:**

- |                 |   |
|-----------------|---|
| Raxmatbaev R.J. | h.f.f.d. (PhD), dotsent, podpolkovnik, HM va ZT instituti bo‘limi boshlig‘i;              |
| Raxmonov D.A.   | fals.f.f.d. (PhD), TATU Nurafshon filiali Gumanitar fanlar kafedrasida mudiri;            |
| Zaxidov Sh.B.   | podpolkovnik, HM va ZT instituti Sotsiologik va psixologik tadqiqotlar markazi boshlig‘i; |
| Tuxliev Sh.Yu.  | t.f.f.d. (PhD), podpolkovnik, HM va ZT instituti bosh ilmiy xodimi.                       |

Maqolalarning mazmun-mohiyatiga tahrir ha’iyati javob bermaydi.

МИНИСТЕРСТВО ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ИНСТИТУТ ВОЕННОГО НАСЛЕДИЯ И СОВРЕМЕННЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЦЕНТР СОЦИОЛОГИЧЕСКИХ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

НУРАФШАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО УНИВЕРСИТЕТА  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИМ. МУХАММАДА АЛ-ХОРЕЗМИ

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ВОЕННОЙ СОЦИОЛОГИИ В  
ПОВЫШЕНИИ ПАТРИОТИЧЕСКИХ НАСТРОЕНИЙ У  
ВОЕННОСЛУЖАЩИХ**

*Материалы международной военно-научной конференции  
22 декабря 2022 года*

Ташкент – 2022

NAZAROVA N.J. Harbiy xizmatchi oilalarining ijtimoiy muammolari (sotsiologik tahlil).....	273
ТУРАТОШЕВА С.Р. Ҳарбий олий таълим муассасаларида таълим сифати концепциясининг кўп ўлчовлилиги ва кўп қирралилиги .....	277
УСМОНОВА Г.Ж. Музей тадқиқотларига социологик ёндашув .....	286
МАМАТОВ Т. Коррупция-жамият кушандаси .....	290
ВОВАМУРОДОВА С.Е. Harbiy vatanparvarlik tarbiyasini takomillashtirishda harbiy sotsiologik tadqiqotlarning o'рни.....	293
ТОШҚЎЗИЕВА М.Б. Дастлабки ҳарбий офицерлик касбий ахлоқ социологияси.....	297
ҲАМЗОДИНОВА С.Н. Pedagogik faoliyatda – pedagog konfliktologik tayyorgarligining ahamiyati .....	301
УСМАНОВ Б Х. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.....	303
АБДУЛЛАЙЕВА З.Н. Shaxsni shakllantirishda vatanparvarlik g'oyalari: tarbiya va muhit.....	307
БАБАДЖАНОВ Х. Б. Озиқ-овқат таъминотининг ҳарбий қисмлар жанговар ҳолатига таъсири (1941-1945 йиллар мисолида).....	309
TASHKENBAEVA D. A. Multilevel system of military sociology: perspectives and results.....	316
TASHKENBAEV T.T. Subject and methodology of military sociology: theory and practice (on the example of universities of Uzbekistan).....	319

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ЖАНГОВАР ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ (1941-1945 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)

**Бабаджанов Хасан Бахтиёрович**

Т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ

**Аннотация:** Мазкур мақола тарихшуносликда кам ўрганилган муаммолардан бири бўлган 1941-1945 йилларда РККАнинг озик-овқат таъминоти масаласига бағишланган. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида моддий таъминот ҳарбий қисмлар жанговарлик хусусиятига таъсир кўрсатувчи омил эканлиги кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** таъминот тизими, маҳаллий манбалар, Иккинчи жаҳон уруши, озик-овқат ресурслари.

Иккинчи жаҳон уруши якун топгандан сўнг унинг тарихи кўплаб давлатларда ўрганила бошланди. Тадқиқотчилар томонидан ҳозирги кунга қадар уруш тарихига тегишли кўплаб муаммолар илмий асосда ўрганилиб чиқилди. Бу тадқиқотларда ҳарбий операциялар, урушнинг давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсири, дипломатик муносабатлар ва бошқа кўплаб масалалар ўрганилиб чиқилди. Натижада кўплаб китоблар ва мақолалар нашр этилди.

Лекин совет ва кейинчалик постсовет давлатлари тарихшунослигида уруш йилларида ҳарбий хизматчиларнинг турмуш шароити, озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланиши тарихи етарлича ўрганилмаган. Иккинчи жаҳон уруши тажрибаси шуни кўрсатадики, жанг ҳаракатлари олиб бораётган армияни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш турли қийинчиликларга дуч келди. Бу муаммоларга озми-кўпми барча жанг олиб бораётган давлатлар учради.

Маълумки, ҳар бир армиянинг жанг майдонида ғалаба қилиши бир-бирига боғлиқ бир неча омилларга боғлиқ. Буларга қўшиннинг жанговар тайёргалиги ва руҳий ҳолати, замонавий қурол-яроғ билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш, интизом, офицерлар тактик тайёргарлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, уруш даврида армиянинг озик-овқат маҳсулотлари билан таъминоти ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

1941-1945 йилларда РККАнинг озик-овқат маҳсулотлари билан таъминоти масалаларини таҳлил қилиши орқали армиянинг таъминот тизими, бу тизимини фаолиятини ташкил қилувчи хизматлар самарадорлиги, логистика ишининг ташкил этилиши ҳамда бошқа ташкилий-иқтисодий масалаларни атрофлича тушунишимиз мумкин.

1941 йил 22 июнда уруш бошланиши билан РККА томонидан жамғарилган заҳиралардан самарали фойдаланиш имкони бўлмади. Баъзи ҳолларда ушбу заҳиралар душман томонидан эгалланиб, СССРга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда ишлатилди. Сабаби урушгача асосий заҳира омборлари СССРнинг

ғарбий ҳарбий округларида жойлаштирилган эди. РККАнинг шиддатли чекиниши жараёнида озик-овқат захиралари йўқ қилинди ёки душман кўлига тушиб қолди. Ҳарбий ҳаракатлар шиддати остида СССР ғарбий чегара ҳудудларидан тахминан 70% мобилизация озик-овқат захираларини олиб чиқиб кетиш имкони бўлмади<sup>9</sup>.

1941-1945 йилларда, урушнинг ҳар бир босқичида таъминотда муаммолар мавжуд бўлган. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йил бошларида РККА аскар ва офицерларининг озик-овқат маҳсулотлари билан таъминотда энг оғир давр бўлди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

Биринчидан, 1941 йил 22 июнда ҳарбий ҳаракатлар бошланиши билан РККА омборларида сақланаётган озик-овқат захираларининг катта қисмини йўқ қилиниши бўлди. Озик-овқат маҳсулотларини захирасини қайта яратиш ва таъминоти тизимини ташкил этиш учун вақт зарур эди. Шуниндек, СССР ғарбий ҳудудларини шиддат билан оккупация қилиниши армия учун озик-овқат маҳсулотларини нисбатан узокроқ ҳудудлардан (хатто, океан ортидан) келтиришни талаб этарди.

Армия ва маҳсулотларни етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи)лар ўртасидаги таъминот занжири бир неча минг километрларга чўзилиб кетди. Натижада ҳарбий қисмларга озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш вақти оралиғи узайди ҳамда транспорт учун сарф-ҳаражатлар миқдори кўпайди.

Иккинчидан, уруш бошланиши билан бошланган оммавий сафарбарлик ҳарбий хизматчилар сонини қисқа муддатда кўпайтирди. Бундай шароитда етарли озик-овқат захирасига эга бўлмаган армияда тақчиллик янада кучайди.

XX аср 30-йиллари иккинчи ярмидан дунёдаги сиёсий вазиятнинг кескинлашуви шароитида РККА шахсий таркиби тезликда ўсиб борди. 1941 йил 22 июн ҳолатига кўра, РККА ва Ҳарбий-денгиз флоти барча турдаги қисмларда 4629465 нафар ҳарбий хизматчи бўлган<sup>10</sup>. Ҳарбий ҳаракатлар бошланиши ва сафарбарлик эълон қилиниши ҳарбий хизматчилар сонини қисқа муддатларда кўпайишига олиб келди. 1941 йилнинг ёз фасли охиригача тахминан армияга 3900 минг киши, 1941 йилнинг охиригача бўлган даврда эса камида 7150 минг киши сафарбар этилди<sup>11</sup>.

1941 йилнинг июл-декабр ойларида бўлган даврда РККАда ҳам, Вермахтда ҳам таъминот масаласида жиддий камчиликлар юзага келди. Озик-овқат маҳсулотларининг муттасил етишмаслиги ва уларнинг сифатсизлиги ҳолатида аскарлар орасида дизентериядан тортиб дистрофиягача бўлган касалликлар кенг тарқалди. Юзага келган ҳалокатли вазият даражасини 1941 йил 13 августдаги Ленинград fronti ҳарбий қисм командирларидан бирининг қуйидаги докладидан англаб олиш мумкин: "... фронт чизиғида озик-овқат таъминоти жуда

<sup>9</sup> Огуречников А. Продовольственное обеспечение в период Великой Отечественной войны // Военно-исторический архив. 2001. 6 (21). – С. 80.

<sup>10</sup> Боевой и численный состав вооруженных сил СССР в период Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Статистический сборник №1 / Коллектив авторов. – Москва: Институт военной истории МО РФ, 1994. – С. 10.

<sup>11</sup> Безугольный А. Этнический аспект комплектования Красной армии в годы Великой Отечественной войны: историко-статистический обзор // Вестник РУДН. Серия: История России. 2020. Т. 19. № 2. – С. 301.

ёмон ташкил қилинган, 2-3 кунлаб аскарлар овқатсиз қолиб кетишмоқда, ... вақтида овқатланмаслик туфайли аскарларда жисмоний куч тушиб кетган”<sup>12</sup>.

1941 йил 22 июнгача бўлган даврда СССР армияси озиқ-овқат таъминоти масаласида асосий ҳуқуқий асоси бўлиб икки ҳуқуқий ҳужжатлар хизмат қилди. Булар 1941 йил 15 майдаги СССР ХКС ва ВКП (б) МҚ нинг 1357-551 сс ва 1941 йил 24 майдаги Мудофаа ХК нинг 208-сонли буйруғи асосида фаолият юритган.

1941 йил 22 июн ойдан аввалги ва кейинги озиқ-овқат таъминотининг фарқи факатгина нормаларнинг камайишида намоён бўлмаган. Асосий фарқ уруш даври нормаларининг турли категориялар асосида муракаб табақаланиши эди. Фронторти худудларида карточкаларни турли категорияларга ажратилгани каби армияда ҳам нормаларни дифференциялашдан асосий мақсад озиқ-овқатни маҳсулотларини тежаш эди. Кўшин турлари таъминотини турли хил категорияларга ажратиш ва улар кунлик рациондаги “граммларда фарқлар” миллионлар аскарлар масштабида миллионлаб тонна маҳсулотни иқтисод қилинишига олиб келган.

РККА жанговар қисмлари бўйича асосий озиқ-овқат рационининг ўртача кунлик озукавий қиймати қуйидагиларни ташкил этган:<sup>13</sup>:

Паёк тури	Таркиб, грамм			Кило-калория
	Оқсил	Ёғ	Углевод	
Жанговар қисмлар	103	67	587	3450
Фронторти қисмлари	84	56	508	2954
Ҳаракатдаги армия таркибига кирмаган захира қисмлари	87	48	489	2822
Қўриқлаш қисмлари	80	48	456	2659
Ҳаракатдаги армиянинг ёзги қисмлари	171	125	694	4712
Госпитал нормаси	91	69	543	3243
Курсантлар нормаси	101	70	562	3370

Қонун ҳужжатларида белгиланган таъминот нормалари ва улар билан жангчиларни реал маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий фарқлар мавжуд бўлган. Айниқса, 1941 йил иккинчи ярми ва 1942 йил бошларида бундай фарқлар жиддий намоён бўлди. 1942 йилнинг ўрталаридан бошлаб вазият узил-кесил яхшилана бошланди.

Айнан шу даврдан озиқ-овқат таъминотида вазият яхшиланиб борганлигини уруш иштирокчилари хотиралари ҳам тасдиқлайди. Жумладан,

<sup>12</sup> Гафуров А. Быт и повседневная жизнь бойцов Красной Армии в годы Великой Отечественной войны // ИДНАКАР. 2014. №5 (22). – С. 65.

<sup>13</sup> Лаврова И. Организация питания и продовольственного обеспечения снабжения во время Великой Отечественной войны в РККА и армии вермахта // Общество: философия, история, культура. 2020. №3 (71). – С. 43.



уруш иштирокчиси Поздеев В., 1942 йилнинг ноябрдан озиқ-овқат таъминоти яхшилана бошлагани, ҳатто паёқлар граммгача берилганлигини хотирлайди<sup>14</sup>.

Умумий жиҳатдан олганда, 1941-1945 йиллар РККА ҳарбий хизматчиларини озиқ-овқат маҳсулотларини билан таъминот тизимини шакллантириш бўйича СССР Мудофаа халқ комиссарлигининг 100 дан ортиқ қарорлари эълон қилинган бўлиб, улар аксариятининг қабул қилинган санаси 1942 йилга тегишли<sup>15</sup>.

1941 йил иккинчи ярмида РККАнинг СССР ғарбий чегараларидан тезлик билан чекиниш жараёнида интендантлик хизмати таъминотни ташкил этишда жиддий ташкилий муаммоларга дуч келди. Ҳарбий қисмларнинг доимий ҳаракати вақтида (чекиниш ёки қарши ҳужум) уларнинг локация худудини аниқ белгилаш мураккаб вазифа эди. Жанглар давом этаётган вақтда қисм таркибидаги ҳарбий хизматчилар сонини аниқ ҳисоблаш ҳам чорасиз эди. Бундай шароитда ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган интендантлик хизмати ишида кўплаб ташкилий камчилик ва хатолар юзага чиқди.

Уруш қатнашчиси Беляев А.В. буни қуйидагича эслайди: “Мен хизмат қилаётган ҳарбий қисмга озиқ-овқат билан интендентлар келишди. Қайсидир полкни излаб келишибди. Уларга озиқ-овқат олиб келишган экан. Биз бу полк жангда йўқ қилинган, бизга уларнинг маҳсулотларини ташлаб кетишингиз мумкин дедик. Лекин интендентлар бу қоидага тўғри келмайди, деб жавоб бердилар”<sup>16</sup>.

Интенсив ҳарбий ҳаракатлар даврида армиянинг озиқ-овқат таъминотига маҳаллий манбаларни жалб этишда юқорида кўрсатилган нормаларининг бузилиши ҳолатлари кўплаб учраган. Айниқса, бундай ҳолатлар марказий таъминотдан узилиб қолган қуршовдаги ҳарбий қисмларда кузатилган. Сабаби қуршовдаги ҳарбий қисмларнинг асосий (баъзи ҳолатларда ягона) озиқ-овқат таъминот манбаси маҳаллий ресурслар эди. Лекин нақд пул келиши тўхтаган ҳолатда интендантлар хўжаликларга тўлов қилиш имкониёти йўқ эди.

Чекинаётган ҳарбий қисмларда ҳам таъминот масаласи жуда оғир бўлган. Одатда, мураккаб ҳолатларда хўжаликлар ёки кўпроқ маҳаллий аҳоли аскарларга ҳеч қандай чек ва тўловларсиз ихтиёрий равишда ёрдам кўрсатишган. Бундай вазиятларнинг бирини 1941 йил кузида Киев яқинидан чекинаётган қўшинлар таркибида бўлган сержант Николай Иноземцев қуйидагича эслайди: “Охирги мартда овқат еганимизга бир суткадан ошган эди. 12-15 чақирим йўлдан сўнг, ҳаракатланишга умуман куч йўқ. Йўлда қандайдир қишлоқ кўринди. Уйга кирдик. Мезбонлар карам шўрва ва картошка келтиришди. Спирт ичдик. Овқатдан кейин барча аскарлар чарчаганимиздан сомон устида ўликдек ухлаб

<sup>14</sup> Гафуров А.В. Быт и повседневная жизнь бойцов Красной Армии в годы Великой Отечественной войны // ИДНАКАР. 2014. №5 (22). – С. 66.

<sup>15</sup> Лаврова И. Организация питания и продовольственного обеспечения снабжения во время Великой Отечественной войны в РККА и армии вермахта // Общество: философия, история, культура. 2020. №3 (71). – С. 42.

<sup>16</sup> Гафуров А. Быт и повседневная жизнь бойцов Красной Армии в годы Великой Отечественной войны // ИДНАКАР. 2014. №5 (22). – С. 65.

қолдик ....”<sup>17</sup>. Аҳоли томонидан аскарларларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ёки тайёр таомлар рус тилида “бабкин аттестат” деб номланган.

Жангчилар хотираларидан маълум бўлишича, “бабкин аттестат” таркиби асосан картошка, сут, чўчка ёғи, тузланган карам ва шўр бодринг ҳамда самогон (уй шароитида тайёрланадиган спиртли ичимлик)дан иборат бўлган. Қийин шароитларда эса ўзи деярли очлик ҳолатида бўлган аҳоли аскарлар билан кунгабоқар кодиклари ва кепакдан тайёрланган нонни баҳам кўришган. Айниқса, ҳарбий хизматчилар орасида пиёда аскарлар аҳоли ёрдамига мухтож бўлишган. Сабаби пиёда аскарлар таъминот нормалари танк, артиллерия ва учувчи қисмларга нисбатан кам бўлиб, кўшимча нормалар камдан-кам ҳолатда берилган.

Аскарлар ўзларини озиқ-овқат билан таъминлашда ўзларининг ишбилармонлик қобилиятларини ишга солганлар. Ҳар бир қисмда ўзининг “таъминотчиси” бўлган. Қисмнинг “таъминотчиси” бўлган уруш қатнашчиси Василий Ршетников ўз ишини қуйидагича хотирлайди: “Воқеа 1944 йилда бўлган эди. Немис авиациясининг ҳужуми натижасида дала ошхонаси йўқ қилинди. Жангчиларга тезликда озиқ-овқат топиш шарт эди ...<sup>18</sup>”. Вазиятдан чиқиш учун Решетников нейтрал полосадаги аҳоли яшамайдиган хуторга эмаклаб боради (бу ерда эгасиз товуклар бор эди). Шу товуклар билан қоп тўлдирилади. Ушбу воқеанинг энг қизик томони шундаки, Решетников ўзи билмаган ҳолда мина майдонидан кесиб ўтган. Ортга қайтишда эса уни душман пулемётчиси пайқаб қолади ва унга қарата ўқ узади. Решетниковга соғ-омон қолган бўлсада, қопдаги товуклар илма-тешик бўлиб кетади.

Жанглардан бўш вақтларда аскарлар ўз рационини бойитишда маҳаллий табиат инъомларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишган. Бу ҳолатни, Карелия frontiда жанг қилган жангчи Беляев А. қуйидагича эслайди: “Озиқ-овқат таъминоти қишда мураккаб ҳолатда эди. Ёзда эса тўкин-сочинлик. Карелия табиати жуда бой. Резавор ва кўзикаринлар жуда мўл. Баъзан ов қилиш имкони бўлади. Одатда бўш вақтларда дарёга балиқ тутишга борардик. Гранатани сувга отиб, кейин балиқларни сув юзидан териб олардик”<sup>19</sup>.

Ҳарбий қисмларнинг озиқ-овқат таъминотига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатган. Ҳатто, ҳарбий қисмнинг қаерда ва қайси фронтда жанг қилгани ҳам таъминот даражасини белгилаб берган. Масалан, 1944 йилнинг охиригача Ленинград frontiда жанг қилган жангчилар бошқа йўналишларда жанг қилган РККА аскар ва офицерларига нисбатан камроқ нормаларда таъминланганлар<sup>20</sup>. Маълумки, блокада туфайли Ленинград ва унинг атрофидаги маҳаллий аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда фавқулодда оғир вазият юзага

<sup>17</sup> Ларианов А. Продовольственное снабжение войск из местных ресурсов как аспект повседневной жизни рабоче-крестьянской Красной Армии // Вестник ЧГПУ им. И.Я.Яковлева. 2013. № 1 (77). Ч. 1. – С.131.

<sup>18</sup> Ларианов А. Продовольственное снабжение войск из местных ресурсов как аспект повседневной жизни рабоче-крестьянской Красной Армии // Вестник ЧГПУ им. И.Я.Яковлева. 2013. № 1 (77). Ч. 1. – С.132.

<sup>19</sup> Гафуров А. Быт и повседневная жизнь бойцов Красной Армии в годы Великой Отечественной войны // ИДНАКАР. 2014. №5 (22). – С. 66.

<sup>20</sup> Гафуров А. Быт и повседневная жизнь бойцов Красной Армии в годы Великой Отечественной войны // ИДНАКАР. 2014. №5 (22). – С. 66.

келган. Шунинг учун вазият инобатга олиниб тинч аҳоли қисман армия захираларидаги озиқ-овқат билан ҳам таъминланиб турилган.

1941-1945 йилларда РККА озиқ-овқат таъминот тизими жиддий қийинчиликларни бошдан кечирди. Шундай бўлсада, СССР тинч аҳолиси билан солиштирганда ҳарбий хизматчилари озиқ-овқат нормалари нисбатан тўлиқроқ таъминланиб берилди. Жумладан, ҳукукий ҳужжатларда кўрсатилган нормалар бўйича армияда реал таъминот шакар ва ёғлар билан 100%, чой, туз ва тамаки маҳсулотлари билан 80%, гўшт ва нон билан 66% ҳамда картошка ва сабзавотлар билан 30%ни ташкил этган<sup>21</sup>. Таъминотнинг жиддий яхшиланганлиги сабабли 1943 йилдан бошлаб йирик ҳарбий операциялар даврини ёки баъзи фавқулодда ҳолатларни инобатга олмаганда РККА таъминотида жиддий узилишлар бўлмади.

1941 йил СССР ҳудудида ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши РККА таъминот тизимини муракаб аҳволга солиб қўйди. Йиллар давомида тўпланган ҳарбий захиралар йўқ қилинди. СССР ғарбидаги унумдор ерлар оккупация ҳудудида қолди. Бу вазиятда СССР шарқий ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилган бўлсада, улар тўлиқ йўқотишларни қопламас эди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида техника ва кимёвий ўғитлар ишлатилишининг камайиши озиқ-овқат экинлари ялпи ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Армия учун ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминотнинг муҳимлиги юқорида бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Муракаб вазиятли ҳолатда, жами озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимланиб, қлар асосан армия сафарбар этилди. Қимматли озиқ-овқат ресурсларини қайта тақсимлаш ва етказиб бериши тизимини шакллантириш учун бир неча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Армия таъминоти муттасил такомиллаштирилиб борилди. Таъминот органлари фаолияти бир неча бор кўриб чиқилди. Натижада йил сайин армияда таъминот масаласи яхшилана борди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Безугольный А. Этнический аспект комплектования Красной армии в годы Великой Отечественной войны: историко-статистический обзор // Вестник РУДН. Серия: История России. 2020. Т. 19. № 2. – С. 298-319.

2. Боевой и численный состав вооруженных сил СССР в период Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Статистический сборник №1 / Коллектив авторов. – Москва: Институт военной истории МО РФ, 1994. – 333 с.

3. Гафуров А. Быт и повседневная жизнь бойцов Красной Армии в годы Великой Отечественной войны // ИДНАКАР. 2014. №5 (22). – С. 63-77.

4. Кольга Г. Военная повседневность: продовольственное обеспечение Красной Армии и германского вермахта в ходе Второй мировой войны: сравнительный анализ // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия: История. Политология. Экономика. Информатика. 2010. № 19 (90). Выпуск 16. – С. 88-95.

---

<sup>21</sup> Кольга Г. Военная повседневность: продовольственное обеспечение Красной Армии и германского вермахта в ходе Второй мировой войны: сравнительный анализ // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия: История. Политология. Экономика. Информатика. 2010. № 19 (90). Выпуск 16. – С. 91.

5. Лаврова И. Организация питания и продовольственного обеспечения снабжения во время Великой Отечественной войны в РККА и армии вермахта // Общество: философия, история, культура. 2020. №3 (71). – С. 41-45.

6. Ларианов А. Продовольственное снабжение войск из местных ресурсов как аспект повседневной жизни рабоче-крестьянской Красной Армии // Вестник ЧГПУ им. И.Я.Яковлева. 2013. № 1 (77). Ч. 1. – С.129-133.

7. Огуречников А. Продовольственное обеспечение в период Великой Отечественной войны // Военно-исторический архив. 2001. 6 (21). – С. 78-105.